



Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 10-oktabr, payshanba № 124 (3317)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида» 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармониغا мувофиқ:

- 1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 15 октябр сешанба кунига тўғри келиши ҳақидаги мурожаатини инобатга олиб, 2013 йил 15 октябр дам олиш кунини деб белгиланган ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.
2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа барча мутасадди идора, жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёриштириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2013 йил 8 октябр

Ёш мутахассислар маскани

Бухоро вилояти Ромитан туманидаги қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи иқтисодиёт тармоқларига замонавий билим ва касб кўникмасига эга ёш мутахассисларни тайёрлаб бераётган таълим масканларидан.



Айни пайтда коллежда 956 нафар ўқувчи умумқурилиш ишлари устаси, пайвандлаш ишлари техникаси, сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, таъмирлаш ва ишлаш устаси, телерадиоаппаратураларни таъмирловчи уста, тикув ва тикув трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш техник-технологлари ҳамда миллий, эт-

нографик ва бадий либослар дизайнери каби йўналишларда тахсил олмақда. Бу ерда ўқувчи-ёшларнинг ўзи танлаган соҳа бўйича малакали мутахассис бўлиб етишиши учун зарур шарт-шароит яратилган. Етарли ўқув ва амалиёт жиҳозлари билан таъминланган шина хоналар, ахборот-ресурс маркази, компютер хоналари, спорт

зали ва майдонлари, теннис корти ўқувчилар ихтиёрида.
Суратда: Ромитан туманидаги қурилиш ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи инглиз тили фани ўқитувчиси Нигора Раупова ўқувчилари билан машғулдда.
Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат

Давра суҳбати

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Бутунжаҳон муносиб меҳнат кунига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти, касба уюшма фаоллари қатнашди.

Тадбир аввалида меҳнат муҳофазасини яхши йўлга қўйган ташкилотлар фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилди. Техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасига оид йўл-йўриқлар, турли стендлар намойиши корхонада хавфсиз иш шароити яратиш учун биринчи навбатда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, ишчилар хавфсизлигини таъминловчи махсус кийим-кечаклар, турли асбоб-ускуналар ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бир сўз билан айтганда, кўргазмада корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга доир атрофлича тушуنчага эга бўлиш мумкин.

Маълумки, тўлиқ ва самарали бандлик, ходимлар учун соғлом шароитлар яратиш, уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш ҳам муносиб меҳнат асосидир. Кейинги йилларда иш жойларида экологик меъёрларга риоя этишининг аҳамия-

устворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий ҳимоя, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича машҳур бешта тамойилга асосланган — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели ўз самарасини берапти.

Бу жараёнда касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиш асосида аъзоларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг мурожаатлари юзасидан тезкор амалий чоралар кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига жорий йилнинг 9 ойида фуқаролар томонидан 9446 та, жумладан, 3635 та ёзма, 3983 та оғзаки, 1811 та «Ишонч телефонлари» ва 17 та интернет тармоғи орқали мурожаат келган бўлиб, қонуний асосда кўриб чиқилган. Мисол учун, ёзма мурожаатларнинг 3487 таси ижобий ҳал этилди. Ходимлар ҳуқуқини тиклаш мақсадида судларга киритилган 54 та даввоннинг 38 таси, қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан киритилган 443 та тақдирноманинг 332 таси қаноатлантирилди.

Касба уюшмалари янги аъзоларни жалб этиш, нодавлат сектор корхоналарида касба уюшма ташкилотларини тузиш, фаоллар орасида ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш бевосита муносиб меҳнат шароитини таъминлашга қаратилган муҳим омиллардан ҳисобланади. Бу борада жорий йилнинг ўтган даврида нодавлат сектордаги 2 минг 883 та корхона ва ташкилотда бошланғич касба уюшма ташкилотлари тузилиб, уларда меҳнат қилаётган 50 минг нафардан ортиқ ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига биноан янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш, яратилган янги иш ўринлари ҳаққонийлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилишига кўмаклашишда ҳам касба уюшмалари камарбаста. Хусусан, ўтган 9 ойда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари томонидан 2 минг 986 та корхона ва ташкилотда 27 минг 771 та янги иш ўрни ҳақиқатда яратилганлиги ўрганиб чиқилди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Семинар-тренинг

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳамда Тошкент вилояти ҳудудий бўлинулари ҳамкорлигида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ахборот-ташкилий фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

ННТларга эътибор

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бора-бора изчил ва тизимли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар ННТларнинг молиялаштирилган ва амалга ошираётган ижтимоий аҳамиятли грант лойиҳаларининг сони 239 тани ташкил қилиб, йил якунига қадар уларнинг сони 250 га етиши кутилмоқда. Мазкур лойиҳалар 3,5 миллиард сўмдан зиёд миқдорда молиялаштирилмоқда.

Семинарда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудудлардаги фаолият самарадорлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги иштироки самарадорлигини ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Туркистон-пресс»

Тиббий туризм

Қадимдан бой маданий меросга эга бўлган Ўзбекистон заминига дунё ҳамжамияти ҳамини катта қизиқиш билан қараб келган. Мамлакатимиз истиклолга эришгандан сўнг барча жабҳаларда бўлгани каби туризм соҳасига ҳам эътибор ортгани, чет эллик сайёҳлар учун барча шароитлар яратилаётгани бу қизиқишни янада кучайтирди. Натижада, туристлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ҳавоси минг дардга даво



Бу хайрли ишда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қўшидаги Санатор-курортлар бошқармасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бошқарма томонидан тиббий туризмни ривожлантириш мақсадида 2013 йил учун белгиланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан тизимни такомиллаштириш учун санаторийларда тиббиётнинг энг замонавий усуллардан фойдаланиши, кадрлар салоҳияти ҳамда малакасини ошириш, сихатгоҳларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар белгилаб олинди. Дам олувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариш, саломатлигини тиклашлари учун маданий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, даволаш-соғломлаштиришни такомиллаштириш ҳамда туризмни, хусусан, тиббий туризмни кенг йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда тасарруфдаги санаторийларда 2000 нафар чет эл фуқаросининг дам олишини ташкиллаштириш режалаштирилган бўлиб, шу давргача 1492 нафар киши соғломлаштирилди. Бунда, хусусан, Жанубий Кореянинг «LOVECCO» ва «Danny Yu» компаниялари билан интернет тармоғи орқали мулоқот йўлга қўйилганлиги қўл келмоқда. Тизимда ишловчи кадрлар тараққий топган давлат санаторийларига малака ошириш учун юборилмоқда. Чунки, тиббий туризмни ривожлантиришда уларнинг фаолиятини ўрганиш, тажриба алмашиш муҳим саналади. Шунингдек, чет элликлар билан эркин мулоқотга кириш учун ходимлар «Камолот» ЕИҲ қошида ташкил этилган ёшлар ижтимоий марказларида инглиз тилидан бепул сабоқ олишди. Санатор-курорт соҳасини жаҳон андазалари асосида жиҳозлаш ва янги замонавий даволаш усулларини жорий қилиш мақсадида 14-20 феврал кунлари 10 нафар мутахассис Чехиянинг «Карлови Вары» курортига бўлиб, тажриба алмашди ва малака оширишди.

(Давоми 2-саҳифада).

«Ободлик кўнгилдан бошланади» республика танловига

Маҳалла — қадриятлар бешиги. Зеро, юртимизда қадим-қадимдан аждодларимиз кўни-кўшни бўлиб, аҳли-иннок яшаганлар. Қувончу шодликларини бирга баҳам кўриб, оғир дамларда бир-бирларига ҳамдард, елкадош бўлишган. Ҳозир ҳам шундай. Ақлимизни шу ерда таниб, ўзлимизни англаймиз. Яхшию ёмон кунимизда ҳам, бору йўғимизда ҳам кўни-кўшнларнинг тафтини ҳис қиламиз. Шу боис ҳам маҳалла тинчлик-тотувлик, меҳр-муруват, ҳамжихатлик маскани, аёнанаю қадриятлар кадр топган гўша сифатида эъзозга лойиқ.

Эзгуликдан мунаввар маскан

Истиқлол йилларида ана шундай аёнаналяримиз янада сайқал топди. Ватан ичра мўъжиз Ватан ҳисобланган маҳаллаларимиз янада чирой очиб, юртимиз тинчлиги, турмушимиз фаровонлиги, оилаларимиз тотувлигида муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Уйчи туманидаги «Машад» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Гузар» маҳалла фуқаролар йиғини ана шундай файзли гўшалардан биридир.

Бугунги кунда ушбу маҳаллада 3600 нафардан ортиқ аҳоли тинч-тотув умргузаронлик қилмоқда. Фикрларимиз тасдиғини МФЙ раиси сўзидан ҳам билиш қийин эмас.

— Маҳалладошларимизнинг барчаси аҳил ва ҳамжихат. Узаро меҳр-оқибат, ҳурмат ва эътибор, инсонийлик фуқароларимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Туй-маърака, ҳашар, турли тадбирларда бир тану бир жон. Бу эса маҳалламизнинг обод ва фаровонлигида муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Самаджон Шокиров.

Ҳа, тотувлик бор жойда ривожланиш, юксалиш бўлади. Ҳамжихатлик эса файзу баракадан дарак. Маҳалла кўчаларидан борар эканмиз, бу ерда кенг кўламдаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари авжида эканига гувоҳ бўламиз. Бир-биридан кўркам бинолар, замонавий уй-жойлардан дилларда ҳавас қулф уради. Маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо дўконлари туну кун аҳоли хизматида.

Айниқса, иллатлар илдизини топиб, уларга барҳам бериш, тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ.

Бу борада ҳудудий профилактика инспекторлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ходимларининг хизмати беқиёс. Улар томонидан маҳаллаларда кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар, тартибузарликлар юзга келишининг олдини олишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни турли ёт гоғлардан, диний оқимлар таъсиридан асраш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари ҳамда ҳудуд профилактика инспекторининг доимий эътиборида. Шунинг эъзига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудда бирор марта ҳам жиноятчилик содир этилмади.

Хунар оила фаровонлигининг асосий манбаларидан биридир. Шу боис ҳам ота-боболаримиз касб-хунарни эъзозлашган. Ҳаётлари давомида бирор касбни эгаллашга астойдил бел боғлашган.

Хикоя қилаётганимиз гузарликлар хунарни суйиб, уни янада ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Мазкур маҳаллада хунармандчиликнинг касаначилик, дурадгорлик, ёғоч ўймакорлиги турлари билан шугулланаётган оилалар кўпчилигини ташкил этади.

Жумладан, Юсуфжон Кўқоровлар хонадони шундай оилалардан. Бир неча йилдики, хонадон соҳиблари замонавий мебел-созлик билан машғул. Улар томонидан ясалган манеж, шкаф, сандик, жавонлар вилоятимиз бозорларида харидорчилиги билан ажралиб туради. Шуниси аҳамиятга моликки, оила бошлиғи Юсуфжон икки ўғлини ёнига олиб касбининг сир-асрорларини ўргатган бўлса, бугунга келиб, икки ўғил ҳам ота изидан бориб маҳалла ёшларига мебелсозликдан сабоқ беришмоқда.

Маҳалла обод бўлса, юрт обод бўлади. Юртининг ободлиги эса, тинч ва фаровон ҳаётимиздан, осмонимиз мусаддоғидан, шўхшодон болаларнинг қувноқ ўйна-кулгусидан дарак.

Баҳоидир МҲИНОВ, журналист

Ҳавоси минг дардга даво

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Яқинда Жиззахдаги «Зомин санаторийси» МЧЖда Санатор-курортлар бошқармаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзбектуризм» билан ҳамкорликда «Санатор-курорт тизимида соғломлаштириш ва тиббий туризм хизмат сифатини ривожлантиришга бағишланган долзарб масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Хитой, Корея, Россия, Хиндистон, Озарбайжон, Қозғоғистон Республикасидан ҳамкорлар қатнашди. Осий, МДҲ давлатларидан ташриф буюрган мутахассислар томонидан инсонлар саломатлигини тиклашда санатор-курорт хизматининг аҳамияти ҳақида маърузалар ўқилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Санаторийлардаги даволаш жараёни, яратилган шароитлар, табиат манзаралари акс эттирилган фотосуратлар, санаторийнинг иқтисодлиги ҳақида тайёрланган маълумотнома буклет кўринишида ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этирилди.

Кўргазмалар мажмуасида чет эл компаниялари ўзларининг диагностика ва физиотерапевтик жиҳозлари намойиши билан иштирок этишди.

Тошкентда кун кеча «Ипак йўли туризми» 19-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида Санатор-курортлар бошқармаси ҳам фаол қатнашмоқда.

— Тиббий туризмни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда аниқ мақсад-вазифалар белгиланган бўлиб, уларни босқичма-босқич амалга оширмоқдамиз, — дейди Санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Нигора Нурматова. — Ярмаркада санаторийларимизга қизиқиш катта бўляпти. Уларга фаолиятимиз ҳақида батафсил маълумот бераймиз. Шунингдек, республикамизда ва чет элда фаолият юритаётган агентликлар билан шартномалар тузаямиз.

Ҳа, она-Ўзбекистонимиз — жондан азиз Ватанимизни бежиз-жааннатга қийсашмайди. Чунки, унинг турроғи-ю зилол суви-дан тортиб, ҳар гиёҳи, хуллас, бутун табиати инсонга шифо бағишлайди. Ҳавоси минг дардга даво.

Салим АБДУРАҲМОНОВ, «Ishonch» мухбири, Аҳмад ТҲРА олган сурат

Муносиб меҳнат



(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ижтимоий шериклини ривожлантириш масаласи касба уюшмаларининг доимий эътиборида бўлиб, бунда Бош келишув, тармоқ ва ҳудудий келишувлар ҳамда жамоа шартномалари мазмун-моҳиятини замон талабига мос равишда бойитиш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда қатъий бажарилишига эришиш вазифалари устуворлик касб этапти. Ҳозирда республикада 1 та Бош келишув, республика миқёсдаги 86 та тармоқ келишув, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсда 14 та ҳудудий келишув, бевосита корхона ва ташкилотларда эса 93 миң 805 та жамоа шартномаси амал қилмоқда. Касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахсларнинг 95,8 фоизи жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олиншига эришилган.

Мамлакатимизда ёшлар сиёсати ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда фаол иштирок этиш, бунда касба уюшмаларининг аниқ вазифаларини белгилаб олган ҳолда амалга ошириш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Жумладан, 2012-2013 ўқув йилида касб-хунар коллежларининг битирувчиларига касба уюшмалари маблағидан моддий ёрдам кўрсатиш тақсимоти ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ амалиёт уташ даврида ҳамда ишга жойлашгач, уларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий ёрдам кўрсатиляпти. Шунингдек, касба уюшмалари томонидан 501 миң 148 нафар битирувчининг ишлаб чиқариш амалиётини ўташи ва уч томонлама шартномалар билан қамраб олиншига қўмақлашди.

Жамоа шартномалари орқали меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, дам олдирилиши ва соғломлаштирилишига ҳам катта эътибор қаратилган. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида касба уюшмалари тизимидаги санаторийларда 78,2 миң нафардан ортиқ киши соғломлаштирилди. Уларга яратилаётган шароитлар ҳамда тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида тизимдаги санаторийлар биноларини қайта қуриш, капитал таъмирлаш, қўшимча бинолар барпо этиш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, жумладан, Жиззах вилоятида янги «Хавотол» санаторийси қурилишини ташкил этиш мақсадида 15 млрд. 473 млн. сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Давра суҳбатида юқоридаги эришилган натижалар Ўзбекистонда муносиб меҳнат концепцияси барқарорлигини таъминлаш учун хизмат қилаётгани алоҳида эътироф этилди.

Ботир АЛИМУХАММЕДОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири биринчи ўринбосари: — Давра суҳбати асноси мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларнинг халқаро талаблар билан солиштириш имкониятига эга бўляпти. Бундан ташқари, соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммоларни бар-тароф этиш чораларини белгилаб олиш мукин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорлигимиз ривожланиб бораляпти. Эътиборли жиҳати, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда муносиб меҳнат масалаларига бағишланган махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда асосан тўртта масала акс этган. Биринчидан, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш. Бу борада қиланётган ишларни янада жонлантириш, Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан бир қаторда янги қонунларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш жуда муҳим. Юртимизда меҳнат ва ижтимоий соҳага оид қандай қонун қабул қилинмасин, албатта, унинг халқаро андазаларга мослигига эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Иккинчидан, аҳолини иш билан таъминлаш, биринчи навбатда, ёшларни иш билан банд этиш устувор вазифалардан биридир. Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини иш билан таъминлаш Дастурининг Олий Мажлис палаталарида қуриб чиқилиши, тасдиқланиши ва назоратга олиниши катта сиёсий аҳамиятга эга. Меҳнат бозорини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили деярли 1 млн.га яқин иш ўрни яратиш назарда тутиляётгани эътиборга молик.

Учинчи йўналиш — аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ижтимоий мулоқотни ривожлантириш. Яъни давлат томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ижроси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Тўртинчи йўналиш ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини таъминлашни ўз ичига олади. Бу борада ХМТ қарийб юз йиллик таърибга эга. Утган даврада бўлиб ўтган юздан ортиқ сессиянинг деярли ҳаммасида меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Бир сўз билан айтганда, қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро конвенцияларни ратификация қилиш, миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, меҳнат муҳофазасига оид қонунлар ижросини мониторинг қилиш ҳамда соҳада кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини амалга ошириш каби масалалар қамраб олинган.

Нурия АЙТЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати: — Ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган бўлиб, бу миллий қонунчилик тизимида Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида» ҳамда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг

Қонунларида ўз ифодасини топган.

Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш шароитида инсон манфаатларига йўналтирилган иш билан бандлик стратегияси ишлаб чиқилган. Ушбу стратегия меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсон учун ўз қобилиятини намоян этиш ва меҳнати билан ўзи ҳамда оиласи учун яхши турмуш шароитларини яратишни тақозо этади ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурати вужудга келмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигини иш-билармонлик муҳитини тубдан яхшилашни таъминлаш йўналишида такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш, меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтириш бўлса, иккинчидан, меҳнат ва бандлик соҳасидаги давлат кафолатларини янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий шарт-шароитларини такомиллаштириш, ҳодимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқ

қилишилди, аини ҳамда ушбу лойиха Вазирлар Маҳкамасига киритиш учун тайёрланмоқда. Галдаги вазифаларни биз ижтимоий шерикларимиз билан келишган ҳолда янги Бош келишув лойихасига киритиш устида иш олиб бораёلمиз.

Бунда, биринчи навбатда, норасмий бандликни чеклаш, ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш, меҳнат низоларини суддан ташқари тартибда ҳал этиш устуворлигига эришиш, реал иш ҳақини ошириш, «яшил» иш ўринларини кўпайтириш, бизнеснинг ижтимоий масъулиятини ошириш, аёллар ва ёшлар учун муносиб меҳнат шароитининг конвенцияларига қатъий риоя этилишини таъминлаш каби масалаларга эътиборни кучайтириш назарда тутилмоқда.

Улугмурод ЭРНАЗАРОВ, Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари:

— Давра суҳбатида кўтарилган масалалар бугунги бозор иқтисодиёти шароитида долзарб аҳамият касб этган. Бозор иқтисодиёти нафақат бозор муносабатлари, балки меҳнат муносабатлари мазмун-моҳиятида туб ўзга-



ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтиришга қаратилган.

Бахтиёр МАҲМАДАЛИЕВ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари:

— Мамлакатимизда ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан Муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, меҳнат ва ижтимоий масалаларга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ишларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Жамоатчилик низолати тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамаларида иштирок этилиб, тақлиф ва тавсиялар берилди.

Федерация Кенгаши томонидан 10 га яқин қонун лойиҳаси, 20 га яқин меъёрий ҳужжат лойиҳаси кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли тақлиф ва ҳулосалар билдирилди. Шунингдек, 22 та меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ҳужжатлар, жумладан, 16 та меҳнат муҳофазаси бўйича қондалар лойиҳалари Федерацияси Кенгаши раҳбарияти томонидан кўриб чиқилди ва келишилди, меҳнат муҳофазаси бўйича 6 та меъёрий ҳужжат лойиҳаси юзасидан тақлифлар билдирилди.

Таъкидлаш зарурки, меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишларни жонлантириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Хусусан, жорий йилда 31309 та бошланғич касба уюшма қўмитасига хизмат кўрсатилишига, жамоа шартномаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жорий йилга режалаштирилган 442935 та тadbирдан 9 ойда 342686 таси бажарилишига эришилди. Шунингдек, 4359 та корхона ва ташкилотдаги касба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатилиб, 508 нафар ишлаб чиқаришда жароҳат олган ходим ва боқувчисини йўқотган оилалар аъзоларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Ҳодимларга өтказилган зарарининг иш берувчи томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши юзасидан келиб чиққан меҳнат низолари бўйича суд жараёнида 22 марта меҳнатни муҳофаза қилиш шартини ҳодимлари иштирок этиши таъминланди. Шу билан бирга, 40 та ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текшириш комиссияларида ва 92 та тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида қатнашилди.

Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2014-2016 йилларга мўлжалланган янги Бош келишув лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Савдо-саноат палатаси билан

ришларни тақозо этмоқда. Юртимизда бозор муносабатларининг шаклланиши меҳнат муносабатларини қонуний ва демократик асосда йўлга қўйиш, иш берувчи ва ходимлар ўртасида муносабатларни шартнома ва келишувлар билан мувофиқлаштиришга кенг йўл очиб берди. Меҳнат муносабатларига оид бундай ҳуқуқий меъёрлар Меҳнат кодексига ўз ифодасини топган.

Бу жараёнда жамоа шартномасининг аҳамияти янада ортади. Чунки меҳнат муносабатларини тартибга солишда жамоа шартномасининг ўрни катта. Меҳнат бозорига жамоа шартномаси тизимини ривожлантиришдан иш берувчи ҳам, ходим ҳам манфаатдор. Чунки мазкур тизим жуда муҳим вазифаларни, яъни меҳнат муносабатларида иштирок этувчи ҳар икки томон манфаатларини ҳимоялайди, меҳнат муносабатлари барқарорлигини таъминлайди.

ХМТ томонидан қабул қилинган конвенция ва тавсияномаларда иш берувчи ва ходимлар вакиллик органларини ўртасида шериклик муносабатларини ривожлантириш бўйича тавсиялар назарда тутилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 10-муддасида Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномада ёки Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа норматив ҳужжатларга нисбатан имтиёзлироқ қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қондалари қўлланилади, дея эътироф этилган.

Шу ўринда иш берувчиларнинг ижтимоий масъулияти нималардан иборат, деган бир табиий савол туғилиши мумкин. Бу борада, биринчи навбатда, давлатнинг ижтимоий масъулиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўмақлашиш, ишчилар манфаатларини ҳурмат қилиш ва ҳисобга олиш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилинишини таъминлаш, томонларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўзаро муносабатларидаги ишончи, ўзаро келишув асосида мажбурийлар қабул қилишнинг ихтиёрийлиги, ижтимоий масъулиятга таллуқли масалалар юзасидан мунтазам равишда маслаҳат ва учрашувлар ҳамда музокаралар ўтказиб бориш, қабул қилинган мажбурийларнинг бажарилишини амалда таъминлаш, қилишган ахдлашувлар ижросининг мажбурийлиги, битим, шартнома ва қарорлар устидан доимий назоратни таъминлаш, томонлар ва улар вакиллари, мансабдор шахсларнинг масъулиятини янада кучайтириш — унинг моҳиятини ташкил этади, десак тўғри бўлади.

Александр ЯФАЕВ, Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти:

— 1999 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан Муносиб меҳнат Концепцияси яратилиб, ҳукуматлар, халқаро касаба уюшмалари ва иш бе-



МУНОСИБ ҲАЁТ АСОСИ

рувчилар ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланган. Мазкур Муносиб меҳнат концепцияси қуйидаги тўртта муҳим стратегик мақсадларга таянади: меҳнат соҳасида асос солувчи ҳуқуқларни рўйбга чиқариш; бандлик ва даромад олиш имкониятларини кенгайтириш; ижтимоий ҳимоя тизимларини такомиллаштириш; ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш.

Шунингдек, барқарор бандликни таъминлаш, ҳар бир меҳнаткаш билан меҳнат шартномаси тузилишига эришиш, қулай ва хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш, ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимларини ривожлантириш, меҳнаткашлар учун касба уюшмаларига бирлашиш, жамоа музокараларини юритиш ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқини таъминлаш каби жиҳатлар Муносиб меҳнатнинг ўта муҳим жиҳатлари саналади.

Айтиш жоизки, Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойилларини, балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил ҳисобланади. 2006 йилда Халқаро касба уюшмалари Конференцияси томонидан 7 октябр «Муносиб меҳнат кун» деб эълон қилинди. Ҳозирги вақтда дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакатларида ушбу кун касба уюшмалари томонидан нишонланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳукумат, касба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан Муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан тақдирланган мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурлари билан янги иш ўринлари яратилиши устидан жамоатчилик мониторингини ўтказиш, яратилган янги иш ўринлари ҳақончилигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштирилишига кўмаклашиш борасида

сил жавоб қайтаришди.

Давра суҳбати доирасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Авиация ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича «Тошкент халқаро аэропорти» Давлат унитар корхонаси II ўринни эгаллади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича эса Бухоро вилояти «Когон ёғ» ОАЖ (I ўрин), Nestle Uzbekistan MCHJ Наманган заводи (II ўрин), Тошкент шаҳар «SUVMASH» ОАЖ (III ўрин) совриндор бўлишди.

Алоқа ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича «Ўзбектелеком» АК Навоий филиали биринчи, «Ўзбектелеком» АК Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламаси иккинчи, «Ўзбектелеком» АК Андижон филиали учинчи ўринни эгаллади.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси тармоғидан Андижон вилояти «Ватанпарвар» МКТ Шаҳрихон автомобил мактаби (I ўрин), ОАТБ «Кишлоқ қурилиш банк» (II ўрин), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сирдарё вилоят бошқармаси (III ўрин) ғолиб бўлишди.

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси тармоғидан «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УК (I ўрин), Сурхондарё вилояти «Жаркўрғоннефт» ОАЖ (II ўрин), Қашқадарё вилояти Муборак газни қайта ишлаш заводи (III ўрин) эътироф этилди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича: I ўрин «ДЭУ текстил Фарғона» МЧЖга, 2 ўрин Андижон вилояти «Фусункор» МЧЖга, 3 ўрин «Хоразм иссиқлик манбаи» ОАЖга насиб этди.

Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касба уюшмаси тизимидан Самарқанд автомобил заводи (I ўрин), Андижон вилояти «Анзис



ходимларнинг меҳнат фаолиятига боғлиқ. Жумладан, бизнинг ўқув масканимизда ҳам 926 нафар ходим меҳнат қилади. Улардан 505 нафари профессор ўқитувчилар, қолгани ишчи-ҳодимлардир. Шундан 410 нафари хотин-қиз. Улар учун маъмурият ва касба уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси асосида етарли шароит яратилган. Университетимиз Президентимизнинг 2011 йил 20 майдаги қарорига асосан манзилли Дастурга киритилган. Унга кўра 1500 ўринли ўқув биноси қуриб битказилмоқда, 1200 ўринли ўқув биносидан реконструкция ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди ҳамда 3 та талабалар турар жойи капитал таъмирдан чиқарилди. «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» республика кўрик-танловида Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича I-ўринга лойиқ топилди. Бу танлов ишчи-ҳодимлар учун қулай меҳнат шaroитларини яратиш борасидаги ишларимизни яна бир бор синовдан ўтказди.

Боситхон ХОЛИДОВ, «Nestle Uzbekistan» MCHJ Наманган заводи касба уюшма кўмитаси раиси:

— Бугунги кунда жамоамизда 270 га яқин меҳнаткашлар фаолият юритади. Касба уюшма кўмитаси ва маъмурият ўртасидаги 2011-2014 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга ҳаракат қилаёмиз. Хусусан, меҳнат муҳофазаси ҳам доимий эътиборда. Ноқулай меҳнат шaroитида ишловчи ходимлар учун жамоа шартномасига алоҳида бандлар киритилган. Унга кўра ишчилар махсус кийим-кечак, шахсий гигиена воситалари билан таъминланмоқда. Бундан ташқари, ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари назоратга олинган. Жамоамиз аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт тадбирлари ўтказишга алоҳида эътибор қаратамиз. Яқинда Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами муносабати билан цехлар ва бўлимларро футбол турнирини ўтказдик. Бу каби маънавий-маърифий тадбирлар ҳам йил давомида босқичма-босқич амалга оширилди. ЎзКУФК ташаббуси билан ўтказилган Кўрик-танловда Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича вилоятда биринчи, Республика босқичида 2-ўринни қўлга киритдик. Бу келгусидаги фаолиятимизга янада куч-ғайрат бағишлашди.

Зафар РАҲМАТУЛЛАЕВ, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис:

— Касба уюшмалари томонидан меҳнаткашлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш борасида бир қатор хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, тизимда 2013 йил — Бошланғич ташкилотлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан қуйи бўғинларга эътибор янада кучайтирилди. Тиббиёт бирлашмасида бош врач Незмат Арслонов ва касба уюшма кўмитаси раиси Озод Нишонбоев бошчилигида ишчи-ҳодимларнинг меҳнат шaroитини яхшилашга йўналтирилган ишлар қамро-

ви кенг. Бирлашма тасарруфидаги тиббиёт муассасаларида 2200 дан зиёд ходим меҳнат қилади. Шундан 293 таси ноқулай меҳнат шaroитида ишлайди. Жамоа шартномасига мувофиқ уларга бир қатор имтиёзлар белгиланган. Мисол учун, махсус кийим-кечак, ҳимоя воситалари, сут-қатиқ маҳсулотлари билан таъминланиши тўлиқ назоратга олинган. Меҳнат муҳофазасига доир ишларнинг тўғри ва тартибли ташкил этилиши натижасида ўтган уч йилда бир марта ҳам бахтсиз ҳодиса қайд этилмади. Кўрик-танловнинг республика босқичида 3-ўринни қўлга киритганимиз, ўйлаётганимиз, олиб бораётган сазой-ҳаракатларимизнинг самараси. Тўғриси айтганда, тақдирлаш маросимида жуда руҳландим. Берилган эътибор ва рағбат учун ташкилотчиларга раҳмат.


Нурия ГИЛҒАНОВА, Бухоро вилояти «Когон ёғ» ОАЖ касба уюшма кўмитаси раиси:

— Обод турмуш йили касба уюшмаси тизимида меҳнат қилаётганлар учун жуда хайрли келди, десам адашмайман. Йил бошиданок ЎзКУФК томонидан қуйи бўғинларнинг нуфузини ошириш мақсадида аъзолик бадалининг асосий қисми ўз ҳисобимизда қолдирилиши, соғломлаштириш ишларининг кенгайтирилиши, қатор танловлар ўтказилиши фаолиятимизга янгича ёндашув учун туртки бўлди. Корхонамизда бошланғич ташкилот етакчиси сифатида ишчи-ҳодимларнинг турмуш тарзи, моддий аҳволини яқиндан ўрганишга ҳаракат қилаёмиз. Мурожат асосида эҳтиёжманд ходимларга маъмурият ва касба уюшма кўмитаси ҳисобидан моддий кўмак кўрсатамиз. Жамоамизда 516 нафар ходим меҳнат қилади, шундан 135 таси аёллар. Барча ходимлар учун ҳар йили янгидан тузилган жамоа шартномасида имтиёзлар назарда тутилган.

Мариана АКСЕНОВА, Тошкент вилояти «Оҳангаронцемент» ОАЖ меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология бўлими бошлиғи:

— Жамоада яхши меҳнат шaroитини яратиш маъмурият ва касба уюшма кўмитаси олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Бу жиҳатдан корхонамизда мақтовга лойиқ ишлар амалга оширилган десам, муболаға бўлмайди. Шу боис ҳам меҳнат муҳофазасини яхши ташкил этишга доир танловнинг республика босқичида Транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича I-ўрин насиб этди. Айтиш жоизки, меҳнат муҳофазаси таъминланган ташкилот ёки муассасада ходимлар хавфсизлиги ҳимояланиб, турли шикастланишлар бўлишига йул қўйилмайди. «Муносиб меҳнат — муносиб ҳаёт асосидир» мавзусидаги давра суҳбати биз, мутахассислар учун ниҳоятда фойдали бўлди. Юртимизда меҳнат қонунийлиги бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳон тажрибасига доир жамли мисоллар ўртага ташланди. Узинимни қизиқтирган соҳага тааллуқли саволларга жавоб олдик.

Акмал ТОШЕВ, Гўзал НОРҶАЕВА, «Ishonch» мухбирлари, Аҳмад ТУРА олган суратлар



САВОЛ: Касба уюшмаси сайланма органлари (касба уюшма кўмитаси) аъзоларига ва раисларига меҳнат соҳасида қандай қўшимча кафолатлар белгиланган?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Касба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддасида, шунингдек, Меҳнат кодексининг 25-моддасида ходимлар вакиллик органлари аъзоларининг меҳнат соҳасидаги қўшимча кафолатлари қонуний тарзда мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунчилик талабига кўра, ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига ўзларининг вазифаларини бажаришлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон-бир тарзда таъқиб қилиниши тақиқланади.

Шунингдек, вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги асосий ишдан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, сайлаб қўйилган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдидан розилигини олмай туриб бекор қилишга йул қўйилмайди.

Ходимлар вакиллик органларидаги сайлаб қўйилган лавозимларга сайланган муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилган ходимларга, яъни касба уюшма кўмиталарининг раисларига, уларнинг сайлаб қўйилган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилди, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилди.

САВОЛ: Асосий ишдан озод қилинган ҳолда касба уюшма кўмитасининг раиси лавозимига сайланган шахслар билан меҳнат шартномаси қандай тартибда расмийлаштирилади?

ЖАВОБ: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-15-сонли қарори билан тасдиқланган Намунавий Низомнинг «Бошланғич ташкилотда меҳнат муносабатлари» деб номланган бобида қайд этилишича, бошланғич ташкилотда сайланма лавозимга сайланган ва асосий ишдан озод этилган ходим билан 5 (беш) йилга муддатли меҳнат шартномаси тузилади.

Меҳнат шартномаси умумий йилгилиги ёки конференция номидан умумий йилгилиги (конференция) ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Мазкур бошланғич ташкилотнинг аппарат ходимлари билан меҳнат муносабатлари улар билан тузилган меҳнат шартномалари (умумий тартибда ноумуайин муддатга), меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Бошланғич ташкилот (касба уюшмаси кўмитаси)нинг штабдаги ходимларнинг шахсий йиғма жиҳдлари ва меҳнат дафтарлари улар билан меҳнат шартномасини тузган ташкилот (орган)да сақланади.

САВОЛ: Бошланғич ташкилотда қандай ҳолларда касба уюшма ташкилотчиси сайланади-ю, қандай ҳолларда касба уюшма кўмитаси сайланади ҳамда уларнинг ваколат муддати қанча?

ЖАВОБ: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясига бирлашган касба уюшмалари Уставининг 4-боб, 4.3-банд, 10-сўзбошисига асосан:

- 30 нафаргача аъзони бирлаштирган бошланғич касба уюшма ташкилотиде касба уюшма ташкилотчиси, унинг ўринбосари, фазначиси 5 йил муддатга;

- 30 ва ундан ортиқ аъзоларни бирлаштирган бошланғич, цех касба уюшма ташкилотиде касба уюшма кўмитаси, цех кўмитаси ва тафтиш комиссияси (ўз мустақил бюджетига эга бўлган цех касба уюшмаси ташкилотларида) 5 йил муддатга сайланади.

САВОЛ: Бошланғич касба уюшма ташкилоти раҳбарлари (касба уюшма кўмиталари раисларининг меҳнатига ҳақ тўлаш қандай тартибда амалга оширилади?)

ЖАВОБ: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Мажлисининг 2013 йил 25 январдаги 7-4-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6.1.1-бандига асосан, бошланғич касба уюшма кўмиталари аппаратлари ходимларини сақлаб туриш билан боғлиқ маъмурий хўжалик харажатларига бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилган маблағ ҳисобидан жами харажатларнинг 35 фоизидан ортиқ бўлмаган қисми йўналтирилиши белгиланган.

Мазкур ҳужжатда аппарат ходимлари мавжуд бўлган касба уюшма кўмитаси раисига ўзи ишлаб турган корхона, ташкилот ва муассаса раҳбари ўринбосарининг иш ҳақи миқдориде мош белгиланиши ҳамда бошланғич касба уюшма кўмиталарининг асосий ишдан озод этилмаган, жамоатчилик асосида ишловчи раисларига молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг уч баробарига, фазначиларга эса икки баробарига бўлган миқдорда қўшимча ҳақ тўлашни мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Бошланғич касба уюшма кўмиталарининг раисларига, меҳнат вазифаларини бажараётганлиги муносабати билан, тўлов манбаи ва шаклидан қатъи назар (иш берувчи, касба уюшмаси кўмитаси ҳисобидан ва ҳ.) тўланадиган барча тўловлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддасига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлари деб эътироф этилади ва мазкур тўловлардан белгиланган тартибда даромад солиғи ундирилади.

САВОЛ: Икки ёшгача бола парваришлаш таътилида бўлган ходим (оператор)нинг иш ўрни 2013 йилнинг 1 январидан қисқартирилган эди, аммо у таътил муддати тамом бўлганидан кейин (2013 йил 16 июл ҳолати) ишга чиқишини маълум қилди. Ушбу ҳолатда иш берувчи нима қилиши керак?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддасига мувофиқ, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар фарзандини парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Мазкур нафақа Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдориде тайинланади ва ишлаётган аёлга болалари сони, иш стаж ва иш ҳақи миқдоридан қатъи назар, ҳар ойда иш берувчи (корхона) ҳисобидан тўланади.

Шунингдек, аёлга унинг хоҳишига кўра, боласини уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилиши мумкин.

Қонун талабига кўра, болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади.

Мадомики, бола парваришлаш таътилида бўлган аёлнинг иш жойи (лавозими) қисқартирилган экан (ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси талабининг очиндан-очик тарзда бузилиши сифатида баҳоланиши керак), демак, иш берувчи таътилдан қайтган аёлни аввалги иши (лавозими)га тенг бўлган бошқа иш (лавозим) билан таъминлаши шарт.

Абдувоҳид АХМЕДОВ, Ўзбекистон алоқа ходимлари Республикаси касба уюшма Бирлашган кўмитасининг етакчи юрисконсулти



ҳам касба уюшмалари самарали фаолият юритаётганига гувоҳимиз.

Шунингдек, республикада меҳнат ва бандлик соҳасида фуқароларнинг миллати, жинси, дини, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқиши белгиларига қараб камситишлар мавжуд эмаслигини ҳукумат, касба уюшмалари ва иш берувчилар эришган энг катта ютуқлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш, иш ҳақининг тариф ва тарифга қўшимча қисмлари ўртасида мақбул нисбатни ўрнатиш, ходимларнинг иш хусусиятларига қараб устамалар, қўшимчалар, компенсация тарзидаги тўловлар тўғри қўлланилиши устидан жамоатчилик назорати олиб борилмоқда.

Республика раҳбарияти томонидан кучли ижтимоий сўбат касба уюшмаларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини анча энгиллаштирмоқда. Бунга қўшимча равишда касба уюшмалари ўз маблағидан ҳамда жамоа шартномалари орқали меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш борасида қатор ишларни амалга ошираёттирлар. Буларнинг барчаси Муносиб меҳнат концепциясини Ўзбекистонда қарор топтириш учун хизмат қилмоқда.

Маърузачи Глобал компактнинг (Умумжаҳон шартномаси) 10 та принципи ҳақида ҳам йилгиланларга атрофлича маълумот бериб, қулай меҳнат шaroитларини яратиш борасида жаҳон тажрибасидан мисоллар келтирди. Шундан сўнг йилгиланларнинг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалари тингланди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар батаф-

МЧЖ (2-ўрин), Тошкент шаҳар «Toshafus» МЧЖ (3-ўрин) тақдирланди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаларидан Навоий вилояти Кармана туман тиббиёт бирлашмаси биринчи, Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси иккинчи, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси учинчи бўлишди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси тармоғи бўйича Қарши Давлат университетини (I-ўрин), Навоий вилояти Хатирчи туман 5-умумтаълим мактаби (2-ўрин), Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети (3-ўрин) мукофотланди.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касба уюшмаларидан Бухоро 1-бекети, 17-сон қурилиш машиналар станцияси (1-ўрин), Қарши вагон депоси (2-ўрин) ҳамда Транспорт, йул ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмалари тизимидан эса Тошкент вилояти «Оҳангаронцемент» ОАЖ (1-ўрин), Андижон вилояти «Асл Ҳамкор Ривож» МЧЖ (2-ўрин), Навоий вилояти «Қизилқумцемент» ОАЖ (3-ўрин) ғолиб деб топилди.

Ғолиблар I, II ва III даражали дипломлар ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг қимматбахо совғалари билан тақдирланди.

СўЗ – ДАВРА СУҲБАТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ, Қарши Давлат университетининг молия-иқтисод ишлари бўйича проректори:

— Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар бир ташкилот ёки корхонанинг юксалиши, эришилаётган ютуқлар ишчи-

Танлов



Либосларда ҳаё акси

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон давлат консерваториясида Тошкент шаҳрида жойлашган 33 та олий таълим муассасасида тахсил олувчи ёшлар ўртасида «Талаба-қизнинг энг намунали либоси» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Кўрик-танлов айнан талабаларнинг таълим даргоҳида намуна сифатида кийинчи мўкин бўлган либосларни юқори савияда тақдим этиш ҳамда ушбу либосларни кенг тарғиб этишга йўналтирилди. Иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланди. Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти талабаси Г. Азимова 1-, Плеванов номидаги РИУ Тошкент филиали талабаси Ю. Корпенко 2- ҳамда Ўзбекистон Миллий университети талабаси М. Рўзиёва 3-ўринларга лойиқ топилди.

Ўз муҳбиримиз.

Суратда: (чапдан) танлов ғолибалари Юлия Карпенко, Гулруҳ Азимова ва Малика Рўзиёва. Ёлқин ШАМСИДИНОВ (Ўза) олган сурат

Назм гулшани



Ватан

1. Ҳар кунни бошлайман қайта ва қайта, Ҳаёт неъматига шуқрона айта. Нурга тўлдираман ижодхонамни, Зийрат қиламан мунис онамни. Отамни хотирлаб топаман таскин, Қаноат мулкидан оламан тамкин. Оилам жам бўлиб тотганда тузни, Кўриб қувонаман ҳар бурса юзни. Рафиқам чой тўтиб турса хотиржам, Демакки, тўксиклик уйда жамулжам. Дийдорига тўйиб фарзандларимнинг, Меҳр-оқибатли дилбандларимнинг. Орзусин қувватлаб, қўллаб тураман. Умидин ишончга йўллаб тураман. Шўх-шаън набиралар бижирлаб бир-бир, Қулоқни гўёки қилишар асир. Ҳар бирин озми-кўп ўпиб суйман, Ва бир ҳақиқатни дилда туяман. Ватан, сендан фаҳрим борки, ман, Уйимда, кўнглимда файз топаман.

2. Менинг ҳам оз эмас ёру дўстларим, Улар билдиришмас каму кўстларим. Ишонч ва кечирим ўртадан қочмас, Ҳеч ким ҳеч ким билан орани очмас. Кўнглинг фикри билан бўлур барака, Дўстлар мададидан тўғри ҳаракат. Кўнглилар бир жойдан чиқиб туради, Шубҳа деворини йиқиб туради. Гоҳида бошланса гина қўзғолиб, Ақлу идрок охир бўлади ғолиб. Менга ҳам бир вақтлар қийин бўлганда, Кўнглим ғаму ғусса билан тўлганда, Ўринимдан дўстларим турғизиб қўйган. Яна ўз йўлимда юргизиб қўйган. Дўстларга таъзимим туганмас, илло, Дўст керак — қалбимга тиргак доимо. Дўст керак, оқибат қистаб турмаган, Дўст керак, истагим истаб турмаган. Ниҳоят, жон дўстим, мен сени топдим, Ватан, у сен, дея қувоним чопдим.

3. Ерни айлантлар яхши ниятлар, Десам, қарши чиқар қонуниятлар. Қарши чиқар тунда ой-у юлдузлар, Норози бўлади кўш кундузлар. Аммо, айланшдан қуруқ доимо, Бу дардаш заминда бор қандай маъно? Унга ҳам жонли бир моҳият керак, Эзгу ният керак, пок ният керак. Шу боисдан замин сабр этиб доим, Инсонларнинг барча ишига қойим. Ким яхши ниятини агар ёр этар, Узини заминга мададдор этар. Кимингки нияти яхши эмас гар, Унинг, замин учун бор-йўғи зарар. Бузмайин ҳеч шартин қонуниятнинг, Яхши ниятлари инсониятнинг. Муҳаббат ўқиға бойлайди ерни, Ҳам мисоли жаннат айлайди ерни. Ватан, сен моҳият-мазмун ўқимсан, Эзгу ниятларга кўнглим тўлдирган.

Сотим АВАЗ


Кўргазма

Тошкентдаги Камолитдин Бехзод мемориал боғ-музейида «Дўстлик» ордени соҳибаси, истеъдодли rassom Нодира Орипованинг «Қалбим жилолари» деб номланган шахсий кўргазмаси намойиш қилинмоқда. Ундан ижодкорнинг портрет, манзара, натюрморт жанрларидаги 45 та энг сара асарлари хўлган.

Қалб жилолари

Портрет жанри мўйқалам устасининг билими ва маҳоратини тўла намён этувчи мезон бўлиб, бундай асарлар расом ҳаётининг турли даврларида яратилганлиги боис, вақт, замонни ва қиёфанинг ўзгарган ҳолатларини ўзида мужассам этади. Мураккаб композицияли, мавзу ва мазмун қамрови кенг, турфа таассуротлар уйғотувчи катта ҳажмли картиналар ҳам Нодира Орипова ижодий изланишларининг аjoyиб махсули десак, янгилаймиш. «Афросиёб маликалари», «Кўксарой сирлари», «Тўли ой», «Камончи қизлар», «Самарқанд мадоннаси», «Бахт тумори», «Дурдоналар», «Сурхон гуллари», «Келинчақ» каби инсонни нафосат оламига ошно қилувчи асарлар юқоридаги фикримизнинг далили бўла олади. Масалан, «Сумбула» асарининг нақадар кенг ва чуқур маъно касб этишини ўйлаб хайрат ҳиссини туямиз. Биламизки, Сумбула юлдуз буржи ёзининг охири, кузнинг бошланши даврига тўғри келади. Яъни, бу кунларда ҳаво ҳарорати бироз тушиб, илқилашади. Сув ҳам тиниклашади. Барча мева, сабзавотлар гарқ пишиб етилади. Бу ёзининг иссиғи тафти, кузнинг бетимсол

саховати туфайли rassom «Сумбула» асаридеги гўзал, оқ юзли, ибоби, ҳаёли, бекам-кўст аёл образини мажозий-тимсол кўринишида кўркам чизиқ-шакллар, тиниқ ранглар воситасида ифода этади. Натижада, кенг тушунчани ўзида мужассам қилган асар — нафосатга йўғрилган халқона мумтоз қўшиқ, тарона янглиг томошабин кўнглига йўл топади... «Сурхон гуллари» асаридега эса кўркам аёлни турфа гуллар гўзаллигига ўхшатиш, қиёслаш, «улар нафосат боҳида бир-биридан сира қолишмайди», деган тушунча ҳаёлга келади... «Гўзаллик асирлари», «Рақс», «Сирли сўбат» каби асарлар ҳам ўзига хос тасвир услуби, мумтоз миниатюра-лардагидек нозик чизилар ва тиниқ рангларнинг жозибаси билан ажралаб туради. Кўргазмада манзара жанрига мансуб асарлар туркумларга ажратилиб, ўзаро уйғунликда тақдим этилган. Айниқса, «Биринчи қор» деб номланган тасвирий асар табиийлиги, мавзу ечимининг ҳаётий ҳақиқатга жавоб бериши билан ажралаб туради. Ундаги шаҳар маҳалласи чеккасидеги кўна ҳовиллар, улар теграсидеги дов-



дахатларга ҳудди юқоридан туриб қаралгандек тасаввурни беради. Енгил тусли оқиш-нафармон рангларнинг нозик жилваланиши, тасвирдан осмоннинг хира, гўё парда ортидагидек бўлиб кўриниши қор учқунлаб ёғайтган ҳолатини ифодалайди. Фақат дархат шохларидаги хурмо меваларининг қор тегмаган жойлари зарғалдоқ тусларда товланади. Натюрмортлар тасвирида мусаввирнинг нақадар синчков эканлиги сезилиб туради. У акс эттирилаётган ҳар бир нарсани: у уй-ўзғор буюми-ни, мевадан ё сабзавотни ҳаётдагидек «жонлантира олади». «Сўзланган натюрморт», «Настурин гуллари», «Кўзали натюрморт», «Гултожиҳўрозлар», «Анорлар» шундай асарлар сирасига киряди... Нодира Орипова ижодий иш билан бир қаторда, кўп йиллардан буюн Низомий номидаги педагогика университети Санъат факультетида талабаларга сабоқ бериб келмоқда.

Баҳром ТОЖИЕВ, санъатшунос

Кулолчилик

Ўзбекистон халқ rassomi, уста кулол Мухиддин Раҳимов (1903-1985) яратган амалий санъат дурдоналари бугунги кунда жаҳоннинг етакчи музейларида сақланмоқда. Шунингдек, у Ўрта Осиё санъати тарихи тадқиқотчиси ҳамда анъанавий нақш реставратори ҳисобланади. М.Раҳимов турли тарихий даврлар кулолчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиш технологияларини тадқиқ қилиб, уларнинг ўзига хос томонларини ажратиб берган. Археологлар билан ҳамкорликда турли тарихий даврлар кулолчилигини ўрганар экан, уста дастлаб анъанавий нақшларни қайта тиклади ва улар асосида муаллифлик асарларини ярата бошлади. Шу боис бўлса керак, унинг асарларига «кулолчилик мўъжизалари» дея таъриф беришади.

Мўъжизакорлар сулоласи

Ҳозирда ўғли Акбар Раҳимов ва невараси Алишер устанинг ишини муносиб давом эттирмоқда. Сулоланинг бешинчи вакили бўлган атоқли rassom-кулол отасининг тадқиқотлари изидан бориб, ишқор билан маҳсулотларни безаш технологиясини ўзлаштиради. Мухиддин Раҳимов уй-музейини яратди. Музейда нафақат оилавий устaxonда ишланган асарлар, балки олимнинг илмий экспедициялари чоғида топилган

археологик топилмалар ҳам бор. Акбар Раҳимовнинг асарлари Ўзбекистон, Россия ва Германиядаги етакчи музейларда сақланади ҳамда қатор халқор кўргазмаларда намойиш этилган. Алишер ҳам болалигидан кулолчилик сирларини ўргана бошлади. Отаси ва бобосининг таърибасига таянган ҳолда ўзбек сопол буюмлари санъатининг ўзига хос тарихий йилномасини яратиши устидан бир неча йил иш олиб борди. Бундан ташқари, Алишер Тошкентда қадимда машҳур бўлган, бугунга қелиб унутилган «қошғарий» услубини қайта тиклашга эришди. У яратган асарлар Франция, Германия ва Японияда ўтказилган турли кўргазмаларда муваффақият қозониб келмоқда. 2005 йилнинг апрелида Фонд Форум кўмағи билан Раҳимовлар сулоласининг Тошкентдаги биринчи «Уста-шоғирд» кулолчилик мак-

таби очилган бўлиб, у мамлакатимиз анъанавий кулолчилигини қайта тиклаш, сақлаб қолиш, ривожлантириш ва тарғиб қилишда катта рол ўйнамоқда. Ҳозирда Акбар ва Алишер Раҳимовлар ушбу мактабда кулолчилик сир-асоридан таълим бериб келишмоқда. Мактабда шахсий кўргазмалар, кулолчилик экспозициялари, маҳорат дарслари ўтказиб келинади. Миллий санъат марказида Фонд Форум, «IJOД» rassomлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси ҳамкорлигида Мухиддин Раҳимов таваллудининг 110 йиллигига бағишлаб ташкил этилган кечада иштирокчилар уста кулол яратган дурдоналар ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Шунингдек, тадбир доирасида кўргазмага қўйилган Раҳимовлар сулоласига тегишли ноёб экспонатлари катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Комила БОЙМУРОВА, «Ishonch» муҳбири

Велоспорт

Супханбури шаҳрида (Таиланд) велотрэк бўйича Осиё кубогининг биринчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Муваффақиятли босқич мусобақалари

Қитъамизнинг ўн давлатидан келган етакчи велотрэкчилар иштирокида ўтган баҳсларда юртимиз шарафини Владимир Тўйчиев, Роман Дронин, Руслан Фёдоров, Дмитрий Лозовой, Тимур Гумеров, Вадим Шаехов, Юрий Шермухамедов, Олга Дробиева, Александра Охват, Алла Безугловадан иборат жамоа муносиб ҳимоя қилди. «Class — 1» тоифасидаги велоспортчилар иштирок этган турнир катта рейтинг балларини бергани боис ҳам мурасиш курашларга бой тарзда кечди. Умирлар ўртасида ўтказилган гуруҳ баҳсларида Юрий Шермухамедов олтин медал соҳибига айланди. Қизларимиздан Алла Безуглова 2 км. масофага якка таъкиб пойғаларида кумуш медал, жамоавий ва скрэтч бешлашуваридега эса бронза медаллари совриндори бўлди. Катталар ўртасида элит тоифасида 4 км. масофага ўтказилган якка таъкиб пойғаларида тажрибали спортчимиз Владимир Тўйчиев учинчи ўринни банд этди. Энди вакилларимиз шу ойда Эроннинг Тейрон шаҳрида ташкил этиладиган Осиё кубогининг иккинчи босқичида қатнашади.

Алена САПАРОВА, Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот котибаси

Доим гавжум



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (Ўза) олган сурат

Сурхондарё вилояти «Баркамол авлод» болалар маркази биноси тубдан таъмирланиб, жорий ўқув йили бошида фойдаланишга топширилгани вилоят ёшлари учун аjoyиб тухфа бўлди.

Термиз шаҳрида жойлашган мазкур марказда эндиликда 21 тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Машғулотларда 505 нафар ўғил-қиз чет тиллари, математика, рақс, биши-тиқиш, шахмат, каратэ, спорт гимнастикаси бўйича малакали педагог ва мураббийлардан сабоқ олаётир.

Суратда: каратэ машқлари.

Footer containing contact information for 'Ishonch' magazine, including phone numbers, addresses, and subscription details.